

А Ж Р И М

2020 йил май ойининг 12 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида

Раислик қилувчи: Ф.Абдураимов

судья ёрдамчиси - П.Джўраевнинг котиблигида, давлат айбловчиси - Фарғона туман прокурорининг ёрдамчиси О.Дўстов, жабрланувчи О.Ботировнинг вакили - адвокат Р.Фозиловнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми, 109-моддасининг 2-қисми билан Иззатуллаев Ислонжон Искандар ўғлини айблаш ҳақидаги 1-1502-2001/51-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иззатуллаев Ислонжон Искандар ўғли, 1993 йил 12 декабрь куни Қўштепа туманида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ишламайди, Қўштепа тумани, Қорақушчи МФЙ, Гулобод кўчаси, 125-уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида гаров қўлланилган, айблов далолатномасини 2020 йил 26 апрель куни олган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг аризаларини муҳокама қилиб, иш бўйича тўпланган далилларни суд мажлисида текшириб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан И.Иззатуллаев қуйидаги ҳолатда жиноят содир қилганликда айбланган.

Жумладан, у 2020 йил 7 март куни дўсти О.Ботировнинг ундан бўлган 400.000 сўм қарзи бўйича ўзаро келиша олмасдан, у билан орани очик қилиб олиш мақсадида, уни ўзига тегишли “Каптив” русумли автомашинасида Фарғона тумани, Ўртақишлоқ МФЙ ҳудудидаги қир-адирликка олиб бориб, у ерда бир-бирлари билан ўзаро оғзаки жанжаллашиб кетиб, жанжал давомида О.Ботировни бош ва юз қисмига қўл-оёқлари билан уриб-тепиб тан жароҳати етказган. Натижада О.Ботиров олган тан жароҳати сабабли шифохонага муурожаат қилган.

Суд-тиббиёт экспертизасининг 2020 йил 17 мартдаги 928-сонли хулосасига кўра, О.Ботировда ёпиқ мия жароҳати, бош мия чайқалиши, бош энса соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши мавжуд бўлиб, ушбу тан жароҳатлари соғлиқни қисқа, олти кундан ортиқ аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга бузилиши олиб келган “енгил” шикастлар тоифасига киришлиги аниқланган.

Бундан ташқари, И.Иззатуллаев 2020 йил 20 март куни соат 11:30 ларда Фарғона тумани, Чекшўра МФЙдаги “Фарғона шаҳар марказий чиқиндихонаси” ҳудудида таниши Қ.Сулаймоновни турмуш ўртоғи



3.Қосимовага гап отганлигидан жажли чиқиб, рашк оқибатида у билан жанжаллашиб, жанжал давомида Қ.Сулаймоновни танасининг турли соҳаларига қўл-оёқлари билан уриб-тепиб тан жароҳати етказган. Натижада Қ.Сулаймонов олган тан жароҳати сабабли шифохонага мурожаат қилган.

Суд-тиббиёт экспертизасининг 2020 йил 26 мартдаги 1180-сонли хулосасига кўра, Қ.Сулаймоновда чап қўл бош бармоғи тирноқ фалангасини ёпиқ силжиб синиши, чап чакка-тепа-энса, энса, ўнг чакка-пешона-тепа ва ўнг ёноқ соҳалари юмшоқ тўқималарини лат ейиши, иккала кўз қовоқлари, чап ёноқ ва ўнг қулоқ супраси орқа юзасини қонталашлари мавжуд бўлиб, ушбу тан жароҳатлари соғлиқни узоқ муддатга, йигирма бир кундан кўп муддатга бузилишига олиб келган “ўртача оғир” шикастлар тоифасига киришлиги аниқланган.

Дастлабки тергов органи томонидан И.Иззатуллаев Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми, 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Жабрланувчи О.Ботиров судга ариза билан мурожаат этиб, ҳозирда у И.Иззатуллаев билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, моддий зарар тўлиқ қопланганлигини (депозит ҳисоб рақамидаги пул маблағи эвазига), унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга нисбатан ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганлигини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Жабрланувчи Қ.Сулаймонов судга ариза билан мурожаат этиб, ҳозирда у И.Иззатуллаев билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга нисбатан ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганлигини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Судланувчи И.Иззатуллаев судга ариза билан мурожаат этиб, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ҳозирда жабрланувчи О.Ботиров ва Қ.Сулаймонов билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, моддий зарарни тўлиқ қоплаганлигини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб, унга нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Суд, судланувчи И.Иззатуллаев, жабрланувчи О.Ботиров ва Қ.Сулаймоновнинг ярашув аризаларини ўрганиб чиқиб, прокурор О.Дўстовнинг жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақидаги хулосасини тинглаб, мазкур жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш учун монелик қилувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги боис, томонларни ярашганлик ҳақидаги аризаларини қабул қилиб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган, кузатув камерасидан ёзиб олинган бир дона “CD” дискни сақлаш зарурати тугагунга қадар ишда асраб туришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.



Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84, 423, 582, 583, 585-586-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Иззатуллаев Ислонжон Искандар ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми, 109-моддасининг 2-қисми билан ЖК 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Иззатуллаев Ислонжон Искандар ўғлига нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан унинг айблилик масаласи ҳал қилинмасдан ҳаракатдан тугатилсин.

Иззатуллаев Ислонжон Искандар ўғлига нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ҳамда гаровга қўйилган 4.500.000 сўм пуллар гаровга қўювчи И.Иззатуллаевнинг аризасига иш бўйича етказилган моддий зарарга қаратилиб, жабрланувчи О.Ботировга қайтарилсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган, кузатув камерасидан ёзиб олинган бир дона “CD” диск сақлаш зарурати тугагунга қадар ишда асраб турилсин.

Ажримдан норози томонлар тегишли тартибда жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига хусусий шикоят ёки хусусий протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

ИМЗО

Ф.Абдураимов

нусхаси аслига тўғри:

